



Ways of development of forensic expertise in criminal proceedings

Ghayrat NABIEV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 25 September 2023

Available online

15 October 2023

Keywords:

criminal process,
examination as an
investigative action,
appointment of examination,
expert research,
concept of development
of examination

ABSTRACT

The article analyzes the role of forensic examination in criminal proceedings as a form of research and investigative activity as examination, identifies problems of legal regulation of examination and examination as investigative activity, and suggests ways to solve them.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss8/S-pp189-195>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Жиноят процессида суд экспертизасини ривожлантириш йўллари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жиноят процесси,
экспертиза тергов
ҳаракати, экспертиза
тайинлаш, экспертиза
тадқиқоти,
экспертизанинг
ривожланиш концепцияси

Ушбу мақолада муаллиф томонидан жиноят процессида суд экспертизасининг ўрни, экспертиза тергов ҳаракати ва экспертиза тадқиқот шакллари таҳлил қилинади, экспертиза тергов ҳаракатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари аниқланади ва уларни ҳал қилиш йўллари таклиф этилади.

¹ Teacher, Department of Criminology and Forensic Expertise, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, E-mail: nabievgayratjon@gmail.com

Пути развития судебной экспертизы в уголовном процессе

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

уголовный процесс, экспертиза как следственное действие, назначение экспертизы, экспертное исследование, концепция развития экспертизы.

В статье анализируется роль судебной экспертизы в уголовном процессе как форма исследования и следственной деятельности как экспертиза, выявляются проблемы правового регулирования экспертизы и экспертизы как следственное действие и предлагаются пути их решения.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган концепциясида суд экспертиза тизимини ҳуқуқий, ташкилий ва моддий-техникавий соҳаларда ислоҳ қилишнинг долзарблиги кўрсатилган.

Концепцияда келтирилган суд экспертизаси институтининг терминологияси ва индивидуал ҳуқуқий муносабатларини таҳлилий ўрганиш натижалари, хусусан, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва маъмурий-процессуал ҳуқуқ соҳаларида унинг қонун ҳужжатларини тартибга солишдаги номутаносибликларни кўрсатади. Шу муносабат билан амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш вазифаларидан бири бўлиб суд экспертиза фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани унификация қилиш зарурати ҳисобланади.

Шу билан бирга, суд экспертизаси институти узоқ вақтдан бери нафақат айрим қоидалар ва атамаларни унификация қилиш, балки процессуал кодексларда қонуний мустаҳкамланган тушунчалар ва уларни қўллаш тартибини модернизация қилишга ҳам муҳтож эди. Бу ҳолат суд экспертлик фаолияти соҳасидаги назарий тадқиқотлар ҳамда тергов ва суд амалиётининг эксперт хулосаларидан мустақил далил сифатида фойдаланишга бўлган замонавий эҳтиёжлар билан боғлиқдир.

Бироқ суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни қонунчиликда тартибга солишга турли муаллифлар томонидан қайта-қайта таклиф қилинган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганига қарамай, узоқ вақт давомида уларни такомиллаштириш бўйича ҳеч қандай чоралар кўрилмаган.

Асосий қисм. Биринчидан, бу суд экспертизасининг асосий концепциясига тааллуқлидир, унинг таърифи Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси 5-бандида мустаҳкамланган: “Суд экспертизаси — фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат”.

Ушбу таъриф фақат юқорида келтириб ўтилган Қонунда берилган ва бошқа процессуал кодексларда кўрсатилмаган, гарчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-боби нормаларида тергов ҳаракати сифатида суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини тартибга солувчи жараён “экспертиза” деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида суд экспертизасини тайинлаш масалалари фақат 95-модданинг “Далиллар” бобида, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида суд экспертизасининг атамаси тушунчалари тартибга солинмаган.

Агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-боби сарлавҳасидан келиб чиқиб, жиноят процессида суд экспертизаси тергов ҳаракатидир, деб фараз қилсак, унинг моҳияти барча тергов ҳаракатлари сингари, жиноят ишини юритувчи ва уларни амалга ошириш ваколатига эга жиноят процессуал қонунчилиги билан тартибга солинадиган органлар (шахслар) фаолиятидир. Суд экспертизасининг асосий босқичлари тергов ҳаракати сифатида бошқа тергов ҳаракатларининг босқичларига ўхшаш бўлиши керак.

Қоида тариқасида тергов ҳаракатлари жиноят ишини юритиш жараёнида ва фақат қонун билан бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 172-моддасига биноан, суд экспертизаси жиноят процессини амалга оширувчи органлар (шахслар) (суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд) томонидан амалга оширилади. Улар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда жиноят иши бўйича мустақил далил тури бўлган тадқиқот ўтказиш ва хулоса бериш учун махсус билимларга эга бўлган шахслар сифатида экспертларни жалб этишга ҳақлидир.

Тергов ҳаракати фақат фактик ва қонуний асослар мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин. Суд экспертизасини тайинлашнинг ҳақиқий асоси ишда юзага келадиган масалаларни махсус билимлардан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш зарурати ҳисобланади. Махсус билимлардан фойдаланган ҳолда масалаларни ҳал этиш зарурлигини тасдиқловчи асос бўлиб жиноят ишининг материаллари ҳисобланади;

Экспертиза тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва унинг процессуал тузилиши жиноят-процессуал қонунига қатъий мувофиқ бўлиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 180-моддаси 1-қисмига мувофиқ, тергов ҳаракати сифатида суд экспертизаси бошланиши терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг қарори, суднинг эса ажрими асос бўлиб ҳисобланади;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 179-моддасига мувофиқ, мазкур тергов ҳаракати манфаатларига дахлдор бўлган шахслар экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор билан таништирилиши ҳамда уларга ушбу ҳаракат иштирокчиси сифатидаги ҳуқуқлари тушунтирилиши шарт. Бу ҳақда баённома тузилади ва процесс иштирокчилари томонидан имзоланади;

- экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор зарур материаллар билан биргаликда ижро этиш учун давлат суд экспертизаси муассасаси раҳбарига ёки қарорда кўрсатилган шахсга тадқиқот ўтказиш ва хулоса бериш учун юборилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 174-моддасига асосан экспертизани ўтказиш уч тоифадаги шахсларга топширилиши мумкин:

- давлат суд экспертизаси муассасаси экспертларига;
- бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходимларига;
- жисмоний шахсга.

Суд экспертизасини ўтказишда экспертнинг асосий вазифаси бўлиб ташаббускор томонидан чиқарилган қарорда қўйилган саволларига асосли ва холис ёзма хулоса бериш учун унга тақдим этилган ашёлар ва иш материалларини текшириб жавоб беришдан иборат. Зарурий тадқиқотларни ўтказгандан сўнг, олинган натижалар асосида эксперт ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг 23-моддаси кўрсатилган тартибга асосан хулоса тузади ва имзолайди. Тузилган эксперт хулосаси экспертизани тайинлаган органга (шахсга) юборади.

Экспертзани тайинлаган шахс эксперт хулосасини олгач, унинг жиноий иш бўйича далил сифатида аҳамиятлилиги ва ишончлилигини баҳолаши ҳамда исботлашда эксперт хулосаларидан фойдаланиш ва уларни тегишли процессуал ҳужжатларда акс эттириш имкониятларини аниқлаши шарт.

Экспертнинг хулосаси экспертиза тайинлаган шахс томонидан ишда дахлдор бўлган иштирокчилар томонидан кўриб чиқиш учун баённома тузилган ҳолда тақдим этилиши керак. Агар хулоса юзасидан экспертга қўшимча саволлар туғилса, қўшимча экспертиза тайинланиши ёки эксперт сўроқ қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, жиноят процессини юритувчи органларнинг (шахсларнинг) тергов ҳаракатларини амалга ошириш бўйича фаолиятини суд экспертизаси деб аташ мумкин эмас, чунки у махсус илмий билимлар асосида суд эксперти томонидан амалга оширилади. Масалан Ю.К.Орлов, суд экспертизасини жиноят процессида исботлаш воситаси сифатида таснифлайди ва уни ишлаб чиқариш жараёнида қуйидаги 4 босқични ажратади:

1. Суд экспертизаси тайинлаш;
2. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорни ижрога қаратиш;
3. Эксперт томонидан тадқиқот ўтказиш ва хулоса тузиш;
4. Эксперт хулосасини олгандан кейин терговчининг ҳаракатлари .

Эксперт тадқиқотини ўтказиш ва хулоса бериш мақсадида экспертнинг иштироки суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш босқичларидан биридагина таъминланади.

С.Б. Россинскийнинг фикрига кўра, эксперт ва терговчи ўртасидаги фарқни қуйидагича ифодалайди. Эксперт судгача бўлган иш юритишнинг локал иштирокчиси бўлиб, фақат бир марталик вазифани ҳал қилишда иштирок этади, махсус билимлар орқали муайян ҳолатларни аниқлашда ва ягона далилни шакллантиришда ифодаланади. Тадқиқотни тугатгандан ва у томонидан тайёрланган хулосани тақдим этгандан сўнг, яъни: дастлабки тергов органлари олдидаги ҳуқуқий мажбуриятларини бажаргандан сўнг, эксперт одатда жиноят ишидаги вазифаси тугайди.

Иккинчидан, эксперт хулосаси тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида баён этилган бўлиб, унга кўра - суд экспертининг хулосаси (хулоса) — суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжат сифатида белгиланган. Ушбу ҳолат тергов ва суд органлари томонидан эксперт тадқиқоти натижаларини далил сифатида баҳолаш қоидаларини белгилайди.

Эксперт хулосасининг мақбуллигини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддасида кўрсатилган расмий қоидаларни

ҳисобга олиш керак, бунда қонун чиқарувчи фактик маълумотларни олишнинг ноқонуний усуллари санаб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида қуйидагича тушунтириш берилган бўлиб, унга қўра: далиллар нафақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддасида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда, балки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган деб топилади.

Шу ўринда жиноят процессини амалга оширувчи орган жиноят ишлари бўйича далилларни баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Жиноят-процессуал кодекси нормаларида белгиланган тамойилларга қатъий риоя қилиши шартлигига эътибор қаратилади. Шундай қилиб, далилларни олишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш, далилларни баҳолашда жиноят процессининг конституциявий ва тармоқ тамойилларига риоя қилмаслик далилларни қабул қилиб бўлмайдиган деб топишга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 951 – моддасига қўра, жиноят-процессуал қонунчилигини бузган ҳолда олинган фактик маълумотлар, юридик кучга эга эмас ва айблов учун асос бўлиши ёки ишда исботлаш предметига киритилган ҳар қандай ҳолатни исботлаш учун ишлатилиши мумкин эмас деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 9-бандида эксперт хулосаси экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда, шунингдек, эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолда олинган бўлса, бундай далиллар мақбул эмас деб топилиши кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда эксперт тадқиқоти объектларини топиш, олиб қўйиш ва ҳисобга олиш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш жараёнида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини жиддий бузган тақдирда, эксперт хулосасини йўл қўйиб бўлмайдиган далил деб топилиши учун қуйидаги нормаларни жиноят процессуал кодексининг 951 – моддасига киритилишини тақлиф қиламиз:

1) экспертиза объектларини экспертиза учун тайёрлаш ва жўнатишнинг процессуал тартибини бузиш;

2) экспертиза ўтказиш (тадқиқотнинг бир қисми) ушбу экспертиза ўтказиш топширилмаган шахслар томонидан ўтказилиши;

3) экспертиза ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ рад этилиши лозим бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;

4) экспертиза тайинлаш ва ўтказишда жараён иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилганлиги;

5) бошқа ҳуқуқбузарликлар, агар улар ҳақиқатда эксперт тадқиқотининг тўлиқлиги ва ҳар томонламалигига, эксперт хулосасининг объективлиги ва асослилигига таъсир қилган бўлса.

Таъкидлаш жоизки, тадқиқот ўтказиш ва хулоса бериш учун экспертни жалб қилиш бўйича тергов ҳаракати дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 1

апрелдаги Жиноят-процессуал кодексида “Экспертиза” деб белгиланган, кейин эса амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида такрорланган. Ҳозирги вақтдаги Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 27-бобида бундай тергов ҳаракати “Суд экспертизасини ўтказиш” деб номланади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва 22-бобни “Суд экспертизасини тайинлаш” ёки “Суд экспертизаси тайинлаш ва ўтказиш” деб қайта номлаш таклиф этилади.

Хулоса. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, жиноят процессида суд экспертизасини тайинлашни қонунчилик билан тартибга солишда ва уни ижро этиш учун тегишли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш амалиётида жиддий камчиликлар мавжуд. Шу муносабат билан қуйидагиларни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир:

- экспертиза тергов ҳаракатини экспертиза тадқиқоти сифатида ўтказиладиган суд экспертизасидан қонун ҳужжатлари ёрдамида ажратиб кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида суд-экспертиза тушунчаси мустаҳкамланган. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-боби “Экспертиза” номи “Суд экспертизаси тайинлаш” ёки “Суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш” деб ўзгартириш;

- эксперт хулосасини йўл қўйиб бўлмайдиган далил деб топилиши учун қуйидаги нормаларни жиноят процессуал кодексининг 951 – моддасига киритилишини таклиф қиламиз:

1) экспертиза объектларини экспертиза учун тайёрлаш ва жўнатишнинг процессуал тартибини бузиш;

2) экспертиза ўтказиш (тадқиқотнинг бир қисми) ушбу экспертиза ўтказиш топширилмаган шахслар томонидан ўтказилиши;

3) экспертиза ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ рад этилиши лозим бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;

4) экспертиза тайинлаш ва ўтказишда жараён иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилганлиги;

5) бошқа ҳуқуқбузарликлар, агар улар ҳақиқатда эксперт тадқиқотининг тўлиқлиги ва ҳар томонламалигига, эксперт хулосасининг объективлиги ва асослилигига таъсир қилган бўлса.

Жиноят процессида тергов ҳаракати давомида тайинланадиган ва ўтказиладиган суд экспертизасини модернизация қилиш натижасида эксперт хулосаларининг мақбуллигини ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддаси талабларига мувофиқ баҳолаш учун реал имкониятлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.07.2021 йилдаги ПФ-6256-сон.

2. Суд экспертизаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 01.06.2010 йилдаги ЎРҚ-249-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси 27.09.2023 й. ўзгартиришлар билан 22-боб.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори 2018 йил 24 август.
5. Ю.К.Орлов, Суд экспертиза жиноят ишида исботлаш воситаси сифатида - М.: СЭ. 2005. - 264 б.
6. С.Б.Россинский, Судгача жиноят ишини юритишда суд экспертизаси далилларнинг махсус усули сифатида. // Сибир ҳуқуқий тўплами.- 2020. - №4 (91).
7. Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси 18.12.2001й N 174-ФҚ (ред. 04.08.2023й)